

***ISSN:3060-4567 Modern education and development***  
**ҚАДИМГИ ХИТОЙ КОНФУЦИЙЛИК, ДАОСИЗМ, МОИЗМ**  
**ВА ЛЕГИЗМ ТАЪЛИМОТЛАРИ**

**Қаҳрамон Усманович Умидуллаев**

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат  
ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими,  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Аннотация:** Мазкур мақолада асосий эътибор қадимги Хитойда сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий қарашларнинг шаклланишига, хусусан конфуцийлик, даосизм, моизм, легизм каби таълимотларнинг вужудга келиши, ушбу таълимотларда илгари сурилган асосий ғоялар ҳақида қисқача фикр юритилган. Ушбу таълимотларнинг асосчилари, уларнинг тарафдорлари ва издошлиарнинг қарашлари ёритиб берилган. Тахлиллар натижаларига асосланиб, хулоса қилинган.

**Калит сўзлар:** қадимги Хитой, конфуцийлик, даосизм, моизм, легизм, Конфуций, Мо-цзы, Лао цзы, “Лунь Юй”

Қадимги Хитойда давлат ва жамиятга оид сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий қарашларнинг шаклланиши милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг бошларида оғир ижтимоий шароитлар даврига тўғри келди. Конфуцийлик, даосизм, моизм ва легизм каби фалсафий таълимотлар нафақат қадимги Хитой, балки замонавий Хитой давлатчилиги, Хитой халқи ва оиласвий муносабатларда сингиб кетган.

Ҳозирга қадар ушбу сиёсий, ҳуқуқий ва фалсафий қарашларнинг минг йиллар давомида ҳаёт синовидан ўтган ғоялари, қарашлари сақланган ва уларга амалга қилинади. Мазкур таълимотларнинг ҳеч бири яққол намоён бўлмаса-да, айримлари кўпроқ айримлари камроқ таъсирга эга.

Таълимот асосчилари, издошлиари ва тарафдорлари баъзи масалаларда бир бирларини рад этса-да уларнинг ғояларида умумий бўлган қарашар ҳам мавжуд. Мисол учун, барчанинг тенглигини таъминлаш ва

барчага тенг имкониятлар яратиш, адолатни таъминлаш, аҳоли сони ўсишини қўллаб-кувватлаш каби қарашлар аксариятига хос. Кейинги йилларда жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан қадимги Хитойда вужудга келган таълимотларни ўрганишга бўлган қизиқиш пайдо бўлди.

Олимлар қадимги Хитойда вужудга келган сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий қарашарини иккита асосий босқичга: милоддан аввалги VIII-VI асрлар фалсафий қарашларнинг юзага келиши ва милоддан аввалги VI-III асрлар фалсафий қарашларнинг ривожланиши босқичига бўлишади. Қадимги Хитой сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий қарашларнинг иккинчи босқичда – конфуцийлик, даосизм, моизм, легизм каби таълимотлар вужудга келди ва қадимги Хитой давлатчилигига, сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий қарашнинг шаклланишида ўзига хос аҳамиятга эга бўлди. Макур таълимотларда давлат ва жамият бошқаруви борасида турли қарашлар, назариялар, ғоялар илгари сўрилди.

Хусусан, конфуцийлик қадимги Хитойда (милоддан аввалги 551–479) Кун Фу-цзы томонидан асос солинган таълимот<sup>1</sup>. Таълимотнинг асосий ғоялари акс этган “Лунь Юй” (Суҳбатлар ва мулоҳазалар сўзлар) асари жамият, давлат, ахлоқ, оила каби масалаларга бағишлиланган. Конфуцийнинг сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий қарашлари Хитойда ҳозир ҳам алоҳида қадрланади. Таълимот – олтин ўрталик, инсонпарварлик каби ҳар бир инсон амал қилиши керак бўлган ахлоқий қадриятларга асосланади. Конфуций таълимотига кўра, давлат ва жамиятни бошқаришга масъул бўлган ҳар бир инсон хукмдордан тортиб оддий хизматчигача ўзларининг ахлоқи билан бошқаларга намуна бўлишлари керак.

Конфуцийнинг фалсафий, ахлоқий таълимоти Хитой халқининг оиласи муносабатларидан тортиб давлат ва маъмурий тузилишгача бўлган барча соҳаларни тартибга солишга қаратилган. Таълимот тури метафизик мавхумликлар билан эмас, балки давлат ва жамият ишларида, оиласи ва инсоний муносабатларда одоб, ахлоқ, адолат, анъанавий ва умуминсоний

<sup>1</sup> Головачёва Л. И. Конфуций о цельности // XII Всероссийская конф. «Философии Восточно-Азиатского региона и современная цивилизация» / РАН. Ин-т Дал. Востока. М., 2007.

қадриятлар, умумий манфаатларнинг шахсий манфаатлардан устунлиги каби ғояларга асосланади.

Умуман олганда, таълимотда асосий эътибор жамият ва давлат хизматларни ўз ичига олган маъмурий функцияларни бажарадиган амалдорларга қаратилган. Унга кўра, давлат ва жамият ишларида адолат принципи ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши керак. Ҳукмдорлар ўз фаровонлиги ҳақида эмас, балки бошқаларга ғамхўрлик қилиш ҳақида ўйлашлари лозим.

Таълимотга кўра, ўтмишга хурмат анъанавий қадриятларга риоя қилиш лозим. Чунки донолик ўтмишдан келиб чиқади. Конфуцийликда давлат ва жамият масалалари, инсонлар икки тоифага: “олижаноб” ва “оддий” бўлиб тушунирилади. Олийжаноб одам инсонийлик ва адолатга, оддий одам эса бойлик ва фойдага интилади. Таълимотда оиласид муносабатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, унда фарзандларнинг вазифалари икки турга бўлинган.

Биринчи, ота-оналарни моддий таъминлаш, соғлиғига ғамхўрлик қилиш, уларни хурматини сақлаш, вафотидан кейин уларга маросимларни ўtkазиш орқали уларга ғамхўрлик қилиш;

Иккинчиси, оиласид обрўсини сақлаш.

Таълимотда инсонларга таълим бериш ва тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра, инсонлар табиатига кўра уч гурухга бўлинади.

Биринчиси, табиатан яхши, унинг фазилатлари таълим орқали яхшиланади.

Иккинчиси, табиатан ёмон, улар фақат жазодан қўрқишиади.

Учинчиси, бекарор, ўзгарувчан, уларнинг ҳаракатларида яхшилик ва ёмонлик аралаш.

**Даосизм** асосчиси Лао цзы томонидан таклиф этилган, дастлаб милоддан аввалги VI-V асрларда оғзаки, кейинчалик IV асрда тузилган “Дао дэ цзин” китобида баён этилган – инсон, табиат, самовий ҳаракатлар,

оламнинг тузилиши асосларини тушунишга интилган фалсафий таълимот<sup>2</sup>.

Унга кўра, дунёдаги ҳамма нарса ўзаро боғлиқ, бошқа нарса ва ҳодисалар билан ўзаро боғлиқ бўлмаган бирор нарса, бирор ҳодиса йўқ.

Таълимотда турли ҳолат, вазият, воқеаларга мантиқий, фалсафий баҳо бериш орқали унинг асл моҳиятини англаш лозимлиги айтилади. Мисол учун, “Мен унга қарайман аммо уни қўрмайман шунинг учун мен уни кўринмас деб атайман. Мен уни тинглайман аммо эшитмайман, шунинг учун уни эшитилмайдиган деб атайман. Мен уни ушлашга ҳаракат қиласман аммо унга ета олмайман, шунинг учун уни энг кичик деб атайман”. Даоизм ҳамма нарсанинг мантигини топиш ва унга асосланиш ҳақидаги таълимот.

Талимот асосчиси Лао цзининг қайд этишича, ҳамма нарса ҳаракат қиласми, пайдо бўлади ва йўқолади, ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсир қиласми. Қарама-қарши тенденциялар хар қандай ўзгаришларнинг марказида туради. Ўзгаришларнинг асоси ҳар доим қарама-қаршиликларнинг кураши эмас, балки бирлиkdir. Ҳамма нарса табиий равишда содир бўлади ва ташқи аралашувга йўл қўймайди. Инсон нарсаларнинг табиий йўналишини ўзгартира олмайди. Чунки унинг ўзи объектив дунёнинг бир қисми ва унинг қонунларига бўйсунади.

Билиш жараёнида инсон биринчи навбатда хилма-хил воқеликдаги бирлик ва ҳаракатдаги доимийликни тушунишдан келиб чиқиши керак. Лао цзынинг сўзларига кўра, даони билиш мумкин эмас. Даонинг “ажойиб сирини” билиш фақат “эҳтирослардан холи бўлганлар” учун хос. “Энг чукур сирни билиш, энг юқори билим даражасига эришиш учун бу сир занжиридаги бўғинлардан бирини тушуниш керак. Лао цзининг билим назариясида Дэ – бу доимий нарса, бу орқали “кўринмас, эшитилмайдиган, энг кичик дао” очилади. Таълимотида қайд этилишича, мукаммал доно ҳукмдор ҳамма нарсанинг табиий йўли – дао йўлидан бориши керак. Халқ ҳаётидаги барча ёмонликлар ва баҳтсизликлар Даонинг табиий қонуни ҳукмдорлар томонидан бузилиши туфайли юзага келади.

---

<sup>2</sup> <https://qomus.info/encyclopedia/cat-d/daosizm-uz/>

Моизм милоддан аввалги V–IV асрларда яшаган Мо-цзы томонидан ишаб чиқилган таълимот<sup>3</sup>. Моизм таълимотда ҳар кимга teng сиёсий имкониятлар беришга, давлат хизматига қабул қилишда туғма қобилиягини қадрлашга чақирилади. Масъул амалларни қариндошлиқ асосида эгаллашга қарши чиқади. Ҳукмдорлар доноликни ҳурмат қилишлари, давлат хизматига тайинлашда уларга хушомад қилиш қобилияти билан эмас, балки ишбилармонлик фазилатлари билан танлашлари ва уларга ҳақиқат айтилганда ҳурмат билан тинглашлари керак. Қонун ҳокимиятнинг ёрдамчи воситаси, шунинг учун қонунлар осмон иродасига мос келиши, умуминсоний муҳаббатга хизмат қилиши керак. Таълимотга кўра, ҳукмдорлар ҳамма билан teng асосда ишлашлари, ўз хизматлари билан яхши ўрнак кўрсатишлари лозим.

Таълимотда марказий ўринни умумбашарий муҳаббат гояси эгаллайди. Мо-цзининг фикрига кўра, мамлакатдаги муаммолар ва низоларнинг келиб чиқишига одамларнинг бир бирига меҳр муҳаббати йўқлиги сабаб бўлади.

Қайд этилишича, осмон инсонийлик борасида ҳукмдорлар учун намуна. Осмон “хоҳлаш”га, “хоҳламаслик”ка, “ирода”га эга мукофотлаш ва жазолашга қодир. Таълимотда инсон энг олий қадрият ҳисобланади. Осмон одамларнинг бир-бирига, кучлилар кучсизларга ёрдам беришини, билимлилар ўз билимларини бошқаларга ўргатишини истайди.

Моистлар осмонни ахлоқий тамойиллар тимсолининг намунаси деб ҳисоблайди. Таълимотда тақдир тушунчаси инкор этилади. Одамлар фаровонликка эришиш ва моддий бойликларни кўпайтириш учун ўз кучларини сарфлашлари керак.

Моизм назариясида марказий ўринни уч мезон – сяньбяо эгаллайди. Унга кўра, ҳар қандай ишни аввало ҳақиқат ва ёлғон, фойда ва зарар экани тўғрисида хulosса қилиш керак. Бунинг учун:

---

<sup>3</sup> Религия и философия Китая // <https://studychinese.ru/articles/15/168/>

**биринчидан**, ўтмишдаги доно хукмдорларнинг ишлари билан таққослаш керак;

**иккинчидан**, кўз ва қулоқ билан идрок этиладиган ҳақиқатни аниклаш лозим;

**учинчидан**, мамлакат ва одамларига келтирадиган фойдаси аниқ бўлиши керак.

Таълимотда билишнинг бошланғич нуқтаси аждодлар мероси ва замондошлар томонидан тўпланган тажриба ҳисобланади. Назария обьекти фуқаролик жамияти ҳаёти, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва савдо билан шуғулланадиган одамларнинг фаолияти, обьектив шароитларнинг ўзгариши туфайли янги ижтимоий ҳодисаларга, янги шакл янги мазмунга мос келиши учун янги тушунчалар берилиши керак.

Таълимотда қайд этилишича, барча инсонлар ўзаро бир бирини хурмат қилиши, бир бирига ёрдам бериши керак. Ҳашаматли турмуш тарзи, дафн маросимларида исрофгарчилик қораланади. Шунингдек, мусиқанинг фойдасиз эканлиги қайд этилган.

**Легизм** милоддан аввалги IV–III асрларда қадимги Хитойда шаклланган, “хукуқшунослар мактаби” номи билан ҳам танилган таълимот<sup>4</sup>. Легистлар шафқатсиз қонунлар ва жазоларни таклиф этган ва уларни амалиётга қўллаганликлари билан машхур. Легизм ҳамма учун ягона қонун устуворлиги ҳақидаги таълимотга асосланади. Жамиятни ўзgartириш учун давлат қатъий қонунларини ўрнатиши керак. Ҳатто хукмдор учун ҳам истиснолар рад этилади. Легизмда конфуцийнинг ахлоқ, виждон, ишонтириш каби усуллари рад этилиб, қонуний мажбурлаш муваффақиятга эришиш гарови сифатида қаралади.

Таълимот тарафдори Хань Фэй-цзынинг фикрига кўра, ҳамма нарса қонунларга бўйсунади – осмон, нарсалар ва инсон. У қонуннинг икки томонига – мукофот ва жазога ишора қиласди. Ҳукмдор мамлакатни бошқаришда: Фа – қонун, Ши – ҳокимият кучи ва Шу – одамларни

<sup>4</sup> Большая китайская энциклопедия. [Шанс](#), 2024 г.

бошқариш санъатига таяниши керак. Унинг қайд этишича инсон туғма эгоист. Инсонни жазолаш ёки жазодан күркитиш орқали ножуя ҳаракатлардан тўхтатиши мумкин. Шунинг учун хумкмдор барча одамларни узига хизмат қилишга мажбурлаш учун кўркув, таҳдид, мукофот ва жазо каби воситаларга мурожаат қилиши керак. Рағбат камроқ жазо эса қаттиқроқ бўлиши керак. Давлатнинг бирлиги ва ҳукмдор ҳокимиятининг кучи пухта ўйланган мукофот, жазо ҳамда умумий назорат тизими билан таъминланади.

Таълимотга кўра унвонларни туғилиш билан эмас, балки ҳақиқий хизмат асосида тақсимлаш, ҳар бир оддий инсон биринчи вазиргача бўлган ҳар қандай унвонга кўтарилиш хуқуқига бўлиши керак. Сиёsatда муваффақиятга фақат мамлакатдаги вазиятни биладиган ва аниқ ҳисоб-китобларга асосланганлар эришади. Ҳукмдолар ўзларидан олдин ўтган ҳукмдорларнинг тажрибаси ўзлаштирилиши лозим аммо уларнинг тажрибаси давлатга фойда келтирмаса тақлид қилиш шарт эмас. Барча ҳокимият Олий ҳукмдор қўлига жамланиши керак. Қолган амалдорларни ҳокимиятдан маҳрум қилиш ва уларни оддий амалдорларга айлантириш лозим. “Шан цзюнь шу” рисоласида қайд этилишича, ақлли ҳукмдор, нотинчликни кечирмайди, балки ҳокимиятни ўз қўлига олади, қонун ўрнатади ва қонунлар ёрдамида тартиб келтиради. Давлатда ягона қонун ўрнатилиши ва барча амалдорлар ҳукмдорга сўзсиз бўйсуниши керак. Ҳукумдорнинг олий мақсади агрессив урушлар ва қаттиққўллик асосида қудратли давлат яратиши бўлиши керак. Легизм тарафдори Шан Яннинг фикрига кўра, ҳалқ ўз ҳокимиятидан кучли бўлса, давлат заиф бўлади, ҳокимият ўз ҳалқидан кучли бўлса армия кучли бўлади.

Шунингдек легистлар ҳукмдор ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун табиий ресурсларни ўзлаштириш ва даромадларни давлат хазинасига ўтказиш бўйича давлат монополиясини жорий этишни таклиф қилишган.

Хулоса ўринда таъкидлаш жоизки, қадимги Хитой сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, ахлоқий қарашларни ўзида мужассам этган конфуций, даосизм, моизм ва легизм таълимотлари Хитой давлатчилиги тарихида алоҳида ўзига

хос аҳамиятга эга. Ушбу таълимотлар шубҳасиз Хитойда вужудга келган қадимги давлатларнинг сиёсий ва хуқуқий асосларни белгилаб берган. Айни пайтда Хитой халқи маънавий қадриятларининг шаклланишида ҳам ўзига хос ўринга эга. Ушбу таълимотлар томонидан таклиф этилган ғоялар Хитой давлатчилиги ва Хитой халқи ҳаётига чуқур сингиб кетган. Мазкур таълимотлар вужудга келган даврда ва ундан кейин ҳам минг йиллар давомида таълимот издошлари ва тарафдорлари ўртасида бири бирларининг камчиликларини танқид қилишлари натижасида аслида пуч, асоси йўқ, айниқса метофизикага оид қарашлар, хусусан осмон, унинг ўғли ва унинг иродаси, тақдирни рад этиш билан боғлиқ бўлган сафсата ғоялар ўз ўзидан аҳамиятини йўқотган. Мухими узок йиллик баҳс мунозаралар натижасида ғоялар, қарашлар шаклланган ва бу қарашлар замонавий Хитой давлатининг ривожланишида ҳам ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати**

1. Головачёва Л. И. Конфуций о цельности // XII Всероссийская конф. «Философии Восточно-Азиатского региона и современная цивилизация» / РАН. Ин-т Дал. Востока. М., 2007.
2. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-d/daosizm-uz/>
3. Религия и философия Китая // <https://studychinese.ru/articles/15/168/>
4. Большая китайская энциклопедия. [Шанс](#), 2024 г.